

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30/12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАМИДОВ АБДУМАЛИК КИРОНОВИЧ

МУРОД МУҲАММАД ДЎСТ АСАРЛАРИ ЛИНГВОПОЭТИКАСИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Ҳамидов Абдумалик Киронович

Мурод Муҳаммад Дўст асарлари лингвопоэтикаси.....5

Hamidov Abdumalik Kironovich

Linguopoetics of the works of Murod Muhammad Dust.....25

Ҳамидов Абдумалик Киронович

Лингвопоэтика произведений Мурод Мухаммад Дуста.....44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....46

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30/12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАМИДОВ АБДУМАЛИК КИРОНОВИЧ

МУРОД МУҲАММАД ДЎСТ АСАРЛАРИ ЛИНГВОПОЭТИКАСИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Fil949 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Қарши давлат университети веб-саҳифасининг www.qarshidu.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умурқулов Бекпўлат
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Менглиев Бахтиёр Ражабович
филология фанлари доктори, профессор

Қодиров Зиёудин Мамадалиевич
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30/12.2019.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «31» октябрь соат 13 00даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел: (0 375) 221-00-56; факс: (0375) 221-00-56; e-mail; qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Ўзбек филологияси факультети фаоллар зали.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (31 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0 375) 221-00-56; e-mail; qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «23» октябрда тарқатилди.
(2020 йил 23 октябрдаги «30» рақамли реестр баённомаси).

Н.Н.Шодмонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д.

Г.Н.Тожиева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, ф.ф.ф.д. (PhD)

Х.Жабборов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси, ф.ф.д., проф.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бадиий асар тили, бадиий матнларда сўзнинг поэтик вазифаси масалаларини талқин қилувчи тадқиқотлар кўлами кенгайиб бормоқда. Бундай тадқиқотлар натижасида умумхалқ тили воситаларининг нутқий жараёнларда реаллашуви асосида бажарадиган вазифасини аниқлаш ва тил воситаларининг эстетик таъсирчанлигини намоён қилувчи омилларни белгилаш имкони юзага келади.

Дунё тилшунослигида ўтган асрнинг иккинчи ярмидан ҳар бир халқ бадиий адабиётини текшириш орқали шу халқнинг бекиёс маънавий бойлигини тадқиқ қилиш, ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳоратини аниқлаш, ёзувчи асарлари нутқий қурилишининг, ғавқулодда характерлилиги, ифоданинг ўзига хослиги сингари долзарб масалалар ечимига қаратилган бадиий адабиёт тили тадқиқи кенг ўрин ажратилди. Бундай тадқиқотлар натижасида бадиий матнларда тилдан фойдаланишни ўрганишнинг янги методлари яратилади, тилшунослик турли назарий ҳулосалар билан бойитиб борилади. Бадиий нутқни, бирор ижодкор асарлари матнини тил воситаларининг бадиий-эстетик вазифаси нуқтаи назаридан ўрганишнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, тил воситаларининг нутқий жараёндаги ўрни баҳоланади, тил ва нутқ муносабатлари назарий жиҳатдан асосланади.

Ўзбек тилшунослиги мустақиллик йилларида бадиий адабиётни ижодий-индивидуал услуб сифатида талқин этиш, бадиий нутқнинг бадиий-эстетик қимматини намоён этувчи образли-таъсирчанлигини таҳлил қилиш борасида жиддий ютуқларга эришилди. Натижада ҳар бир ижодкорнинг лисоний воситалардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш имкониятларини намоён этувчи, сўз қўллашдаги индивидуаллигини кўрсатувчи лингвопоэтик талқин асосидаги тадқиқотлар майдонга келди. Ҳозирги ўзбек лингвопоэтикасида бадиий асарни таҳлил қилиш, ижодкорнинг поэтик маҳоратини ёритишда жаҳон тилшунослигининг турли тадқиқот методларидан фойдаланиш, шунингдек, бадиий образ яратишда ижодий индивидуаллик ва адабий таъсир, жаҳон адабиёти намуналари билан қиёсий-типологик, умумийлик ва ўзига хослик каби масалаларни атрофлича тадқиқ этиш зарурати кучаймоқда. “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак”¹. Адабиётнинг таъсирчан кучини очиш лингвопоэтиканинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Адиблар хиёбони”га ташрифидаги маърузаси. Тошкентда адиблар хиёбони очилди. www.gazeta.uz. 2020 йил 20 май.

5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлар” тўғрисидаги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарорини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Тилшуносликда бадиий асар тилини ўрганишга бағишланган кўпгина тадқиқотлар амалга оширилди. уларда ёзувчининг тилдан фойдаланиш маҳорати, ёзувчининг сўз қўллашдаги индивидуаллиги, алоҳида асарларнинг тили ва услубини ўрганиш, шунингдек, бадиий асар тилини лингвопоэтик тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ҳолат ўзбек тилшунослигида бадиий матн ва унинг тил воситалари билан боғлиқ тадқиқотларнинг мазмун ва моҳияти жиҳатидан анча ривожланганлигини кўрсатади. Ш.Шоабдурахмонов, Б.Турдалиев, Б.Бафоев, Қ.Самадов, Л.Абдуллаева, И.Мирзаев, Б.Йўлдошев, С.Каримов, М.Йўлдошев, Б.Умурқулов, Г.Муҳаммадҷонова, Р.Нормуродов, М.Ёқуббекова, Д.Шодиева, Г.Жуманазарова, Д.Анданиязова каби тадқиқотчилар томонидан шеърӣй ва халқ оғзаки ижодига оид насрий асарлар лингвистик, лингвостилистик, лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил қилинган². Шунга қарамай, ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст асарларининг

² Шоабдурахмонов Ш. О художественных особенностях поэмы “Равшан”. Автореф. дисс.... канд. филол. наук. – Ташкент, 1949; Турдалиев Б. Хамза и узбекский литературный язык начала XX века. Автореф. дисс.... докт. филол. наук. – Ташкент, 1988; Хамза ва ўзбек адабий тили – Тошкент: Фан, 1981; Бафоев Б. Лексика произведений Алишера Навоии. Автореф. дисс.... д-ра. филол. наук. – Ташкент, 1989; Самадов Қ. Некоторые вопросы языкового мастерства Айбека. Автореф. дисс.... канд. филол. наук. – Ташкент, 1967; Мирзаев И. Проблемы лингвопоэтического интерпретации стихотворного текста. Автореф... дисс... докт. филол. наук. – Ташкент, 1992; Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада. Автореф. дисс.... канд. филол. наук. – Ташкент, 1979; Каримов С. Язык и стиль поэзии Зулфии. Автореф. дисс.... канд. филол. наук. – Ташкент, 1982; Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Самарқанд: 1992; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати. филол. фан. номзоди дисс.... автореф. – Тошкент, 2000; Умурқулов Б. Лексические особенности современной узбекской поэтической речи. Автореф. дисс.... канд. филол. наук. – Ташкент, 1983; Умурқулов Б. Бадиий адабиётда сўз. –Тошкент: Фан, 1993; Муҳаммадҷонова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеърӣятининг лингвопоэтик тадқиқи. филол. фан. номзоди дисс.... автореф. –Тошкент, 2004; Нормуродов Р. Шукур Холмиразев асарларининг тил хусусиятлари. филол. фан. номзоди дисс.... автореф. –Тошкент, 2000; Якуббекова М. Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. филол. фан. докт. дисс.... автореф. –Тошкент, 2005; Шодиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърӣяти лингвопоэтикаси. филол. фан. ном. дисс.... автореф. –Тошкент, 2007; Жуманазарова Г.У. “Ширин билан Шакар” достонининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари: филол. фан. ном. дисс.... – Тошкент, 2008; Анданиязова Д. Бадиий

матний тузилиши билан боғлиқ адибнинг индивидуал сўз қўллаш маҳорати алоҳида тадқиқ объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбек тилшунослиги: бадиий нутқ таҳлили, антропоцентрик назария, этнолингвистика, корпус тилшунослиги” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Мурод Муҳаммад Дўстнинг тилдан фойдаланиш маҳоратини таҳлил қилиш ва ёзувчи ижодининг лингвопоэтик ўзига хослигини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бадиий асар тили хусусиятларини ўрганишга оид илмий тадқиқотларни назардан ўтказиш асосида, ўзбек тилшунослигида бадиий асар тили, ёзувчининг сўз қўллашдаги индивидуаллигини ўрганилиш ҳолатини илмий-танқидий таҳлил қилиш ва баҳолаш;

ёзувчи асарларининг матний тузилиши сўз қўллашдаги индивидуалликни таъминловчи асос эканлигини таҳлил этиш;

ёзувчининг сўз қўллаш маҳоратини адиб услубини шакллантирувчи индивидуал услубга хос сўзлар, оғзаки нутқ воситалари, барқарор бирикмалардан фойдаланиши асосида лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил қилиш;

ёзувчининг паремиологик бирликлардан фойдаланиш асосида бадиий таъсирчанликни оширишдаги маҳоратини очиб бериш;

ўрганилган ва таҳлил қилинган тил воситалари асосида ёзувчининг ўзбек тили бой имкониятларини бадиий матнда акс эттириш салоҳиятига баҳо бериш.

Тадқиқотнинг объекти Мурод Муҳаммад Дўст асарлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети Мурод Муҳаммад Дўст асарларидаги лингвистик бирликлар, паремиологик воситаларнинг бадиий хусусиятларини таҳлил этиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, лингвопоэтик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Мурод Муҳаммад Дўст асарларининг матний тузилиши, унинг ифода услуби жиҳатдан мукамаллиги ёзувчининг ғоявий-бадиий ниятини, тилдан фойдаланиш маҳоратини намоён қилувчи усул эканлиги далилланган;

ёзувчининг сўз танлаши ва уни нутқда ўз ўрнида қўллаш маҳорати, оғзаки нутқ воситалари, кенг истеъмол сўзлар ва синонимлардан фойдаланганлиги очиб берилган;

бадиий матнда идиомаларнинг бадиийлик ва эмоционалликни вужудга келтириши асосида таъсирчанликни таъминлаши, халқ мақолларининг

қўлланилиши орқали халқнинг ахлоқий, маънавий-маърифий қарашларининг ифодаланиши асослаб берилган;

иждоқор асарларининг тил жиҳатдан соддалиги, унда халқона ифода усулининг мавжудлиги ва умумхалқ тилидаги мақол, матал ва ҳикматли сўзлардан унумли фойдаланилганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижаларидан олинган хулосалар тилшуносликнинг муҳим соҳаси нутқшуносликни янги назарий қарашлар билан бойитади, бадиий матнларни лингвопоэтик таҳлил қилишда турлича ёндашувни шакллантиради.

ёзувчи асарларининг лингвопоэтик тадқиқи асосида чиқарилган хулосалар бадиий асар тилига оид янги тадқиқотларни яратилиши учун хизмат қилади. Ёзувчи асарларида қўлланилган оғзаки нутқ воситалари, барқарор бирикмаларнинг бадиий таҳлили ёзувчи асарларининг ўзига хос жиҳатларини намоён этади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли илмий ва бадиий манбалардан олинганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий натижалари ўзбек миллий лингвопоэтикасини такомиллаштириш, бадиий нутқ таҳлилига таълимий ёндашув омилларини мукаммаллаштиришга хизмат қилади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти эса олий ўқув юртларида бадиий матннинг лисоний таҳлили, ўқитувчи нутқи маданияти, матн лингвистикаси, услубшунослик фанларини ўқитишда дарсликлар, ўқув - услубий қўлланмалар, рисоалар яратишда фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мурод Муҳаммад Дўст асарларининг лингвистик хусусиятларини лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил қилиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

ёзувчининг сўз танлаши ва уни нутқда ўз ўрнида қўллаш маҳорати, оғзаки нутқ воситалари, кенг истеъмол сўзлар ва синонимлардан фойдаланганлигига оид илмий янгилigidан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-Г003 рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган. (Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 26 февралдаги 45/1-сон маълумотномаси). Натижада лексик сўз ясалишига оид илмий хулосалар мукаммаллашган;

иждоқор асарларининг тил жиҳатдан соддалиги, унда халқона ифода усулининг мавжудлиги ва умумхалқ тилидаги мақол, матал ва ҳикматли сўзлардан унумли фойдаланилганлигига оид илмий хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида 2012-2016

йилларда бажарилган ФА-А1-Г007 ”Ҳозирги қорақалпоқ тилида нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида” (2012-2014 йилларда бажарилган) мавзусидаги амалий илмий-тадқиқот фундаментал лойиҳаларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2020 йил 26 февраль 44/1- сон маълумотномаси). Натижада нақл-мақоллар миллатнинг маънавий дунёқарашини очиб берувчи лингвистик восита эканлиги илмий жиҳатдан бойитилган;

бадий матнда идиомаларнинг бадийлик ва эмоционалликни вужудга келтириши асосида таъсирчанликни таъминлаши, халқ мақолларининг қўлланилиши орқали халқнинг ахлоқий, маънавий-маърифий қарашларининг ифодаланишига оид илмий хулосаларидан Сурхондарё вилояти телерадиокомпаниясининг адабий-бадий, маънавий-маърифий телекўрсатуви ҳамда “Янги аср” радиосининг “Адабиёт гулшани” эшиттириши сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Сурхондарё вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 10 июнь 01-01-134-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатув ва эшиттиришлар маърифий ва амалий жиҳатдан бойиган.

Тадқиқот натижаларининг апробациялари. Тадқиқот натижалари бўйича 1 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан 11 илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 148 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, предмети ва объектига тавсиф берилган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “Бадий матннинг ифода асослари ва лингвистик имкониятлари” деб номланган биринчи боби уч фаслдан иборат бўлиб, Ўзбек тилшунослигида бадий матннинг лингвистик тадқиқи бўлимида бадий

асар тили, бадиий асарда сўзнинг бадиий-эстетик вазифаси масалаларига доир илмий-назарий қарашлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Бадиий адабиёт тили вазифа нуқтаи назаридан тилнинг бошқа шаклларида кескин ажратиб туради. Шу боисдан бадиий адабиёт тили умумий асосига кўра ҳам лингвистик, ҳам эстетик жиҳатдан таҳлил қилишни талаб қилади.

Ўзбек тилшунослигида бадиий матнни лингвистик жиҳатдан ўрганишнинг истиқлол йилларида янги даври бошланди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин халқ тарихи, адабиёти, тилини кенг миқёсда ўрганишга алоҳида аҳамият бериб борилмоқда. Илмий тадқиқотларда бадиий асар тилини, ёзувчининг тили ва услубини ўрганишга, бадиий матнларни лингвистик воситаларнинг барча жиҳатлари асосида таҳлил қилишга эътибор кучайди. Бадиий матн таҳлилининг янги методлари майдонга келди.

Маълумки, ўзбек тилшунослигида бадиий асар тили масалаларини ўрганиш XX асрнинг 50-йилларидан бошланган. Бу даврда Ш. Шоабдурахмонов, А. Ғуломов, Иззат Султон, Ғ. Абдурахмонов, Х. Дониёров, Қ. Самадов, Н. Шукуров каби олимларнинг бадиий тилдан фойдаланиш маҳорати ҳақидаги фикрлари мақолаларда ўз ифодасини топган эди. Кейинчалик эса, 80-90 йилларга келиб кўпгина ёзувчиларнинг тилдан фойдаланиш маҳорати, бирор асарнинг тили ва услуби тадқиқ этилган бир талай ишлар майдонга келди. Бадиий асар тадқиқига доир Б. Йўлдошев, Б. Ёриев, С. Каримов, Б. Умуркулов, М. Йўлдошев, Р. Нормуродов, С.Боймирзаева, Г.Муҳаммаджонова каби тадқиқотчиларнинг илмий ишлари мазкур тадқиқот йўналишининг яна ҳам ривожланиши учун хизмат қилди³. Шубҳасиз, бу типдаги тадқиқотларнинг тил тадқиқи ривожига таъсири катта бўлди, хусусан бадиий матнларда тилдан фойдаланишни ўрганишнинг янги методлари яратилди. Бадиий матнларда қўлланувчи тил материаллари кенг қўламда ўрганила бошланди. Кўпгина истеъдодли адиблар асарларининг тили ва услуби ҳам ўрганилди. Бироқ ўзбек адабиётининг кўпгина етакчи адиблари ижоди ва ўзига хос луғавий-услубий хусусиятларга эга бўлган бир қатор асарлар тилшунос олимлар томонидан махсус тадқиқ объекти сифатида лингвистик жиҳатдан ўрганилган эмас. Академик Ғ. Абдурахмонов таъкидлаганидек, бадиий асар тилини таҳлил қилиш орқали ёзувчи ёки шоирнинг бадиий маҳорати, ўзига хос услуби очилади. Шундай экан, ҳар бир бадиий асар тилини чуқур ва ҳар тарафлама ўрганиш асосий масалалардан

³ Юлдошев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1979; Каримов С. Язык и стиль произведений Зульфий. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1982; Яриев Б. Язык поэзии Максуда Шейхзаде. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1979; Умуркулов Б. Лексические особенности современной узбекской поэтической речи. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1993; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати. филол. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 2000; Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари. филол. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 2000; Боймирзаева С. Ойбек прозасининг лингвистик тадқиқи. филол. фан. номз. дисс... автореф. – Самарканд, 2004. Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи. филол. фан. ном. дисс... автореф. – Тошкент, 2004;

бири бўлиб қолмоғи лозим⁴. Чунки бадий асар инсон тафаккурининг, оламни англаши ва тасвир этишнинг намунаси сифатида майдонга келади. Бу жараёни тилсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар қандай ижодкор фаолиятининг асосини тил материаллари ташкил этади. Ҳар бир ижодкорнинг тилдан фойдаланишдаги услуби, тил воситаларини нутқда қўллашдаги маҳорати ўзига хос бўлади. Бу ўз навбатида индивидуалликни вужудга келтиради. Шу боисдан ҳам Ғ.Абдурахмонов ҳар бир бадий асар тилини ўрганишнинг муҳимлигини таъкидлаган эди⁵.

Бобнинг иккинчи фасли “Мурод Муҳаммад Дўст асарларининг матний тузилиши ва лингвопоэтик имкониятлари” деб номланиб, матн тузилиши, бадий асарларда нутқнинг бадийлиги мезонларини белгиловчи воситалардан эканлиги ҳақида фикр юритилади. Бадий матнлар ҳам бошқа матнлар сингари мазмун ифодалашга, матннинг тушунилишига, мантикий асосланганлигига, таъсирчанлигига асосланади. Шунга кўра, бадий матн матн тузишнинг хилма-хил шакллари яратишни тақозо этади. Матн ва ундаги ифода тарзи ёзувчининг мақсадини, илгари сурмоқчи бўлган ғоясини ва ниҳоят тилдан фойдаланиш маҳоратини ёрқин акс эттиради.

Матн муаммолари билан шуғулланган олим М. Йўлдошев матннинг ҳажми ва мазмун белгисига кўра икки типга ажратади. Ҳажм белгисига кўра матнлар минимал матн (микроматн) ва максимал матн (макроматн) ларга ажратилади⁶.

Матншунослик тадқиқотчиси М. Йўлдошев матнни мазмуний белгисига кўра етти турини ажратади ва ушбу турларнинг фақат биттаси асосида шаклланадиган бадий асарни кам ҳолларда учратиш мумкинлигини таъкидлаб ўтади. Бунинг боиси бадий асарнинг таркибланиш жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам ўта мураккаб тузилишга эгаллиги, унда матннинг барча мазмуний турлари ёки маълум турнинг айрим хусусиятларини учратиш мумкинлигида деб кўрсатади⁷.

Бадий асар матнлари қандай тузилишидан қатъий назар китобхонга эстетик таъсир этишга мўлжалланган бўлади. Матн мазмунига мос ҳолда лингвистик воситалар танланади. Матн баёни ҳам матн мазмунидан келиб чиқади. Масалан, ҳикоя усулидаги матнлар кишининг ўтмишдаги бирор нарсани эслаши асосида фикр баён этиши асосида қурилади. Шунинг учун бундай матнлар монологик нутқ кўриниши асосида шаклланади.

Бадий асар композицияси асардаги шакл унсурларини бадий мазмунни ифодалаш, ғоявий-бадий ниятни амалга ошириш учун энг оптимал тарзда уюштириш олган-олмаганлигига қараб белгиланади⁸. Ижодкорнинг ғоявий-бадий ниятини амалга оширишда тил воситаларининг мақсадга мувофиқ қўлланилиши билан биргаликда ифода усули муҳим

⁴ Абдурахмонов Ғ. Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида// Ўзбек тилини ўқитиш методикаси масалалари. – Тошкент: 1966. – Б. 7.

⁵ Абдурахмонов Ғ. Кўрсатилган асар. – Б. 7.

⁶ Йўлдошев М. Баий матн ва унинг лингвистик таҳлил асослари. – Тошкент: Фан, 2007, – Б. 12.

⁷ Йўлдошев М. Баий матннинг лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008, – Б. 104.

⁸ Қуროнов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ, 2004, – Б. 254.

ҳисобланади. Ана шундай бадиий ифода усулининг ўзига хослиги жиҳатидан М. М. Дўст асарлари алоҳида ажралиб туради. Айниқса, ёзувчининг “Лолазор” романи матний тузилиши жиҳатидан ўзига хос асар бўлиб, унда шакл ва мазмун жиҳатдан турли хил матн тузилишини кузатиш мумкин.

Асарнинг “Бемор” деб номланувчи биринчи боби матний хусусияти билан алоҳида ажралиб туради. Бу боб асосан ҳикоя усулидаги матндан ташкил топган бўлиб, асар бош қаҳрамони Назар Яхшибоевнинг ўй-хаёллари асосида қурилган. Матннинг ўзига хос томонларидан бири матн тузилишида кўринади. Матн муаллиф ва асар қаҳрамони нутқи асосида шаклланади. Муаллиф нутқи изох типидagi ифодадан тузилган бўлиб, у фақат иккита сўздан иборат. Ўйлайди-ю кулади. Шундан кейин қаҳрамоннинг олдин бўлиб ўтган воқеаларни кўз олдидан ўтказиб, ҳис-туйғулари, кечинмаларини ўйлаши асосидаги фикрлари матн учун асос бўлган. Ушбу матн тузилиши жиҳатидан монологик ички нутқ шаклига эга, Матннинг характери томони қаҳрамоннинг ўйлари асосида тузилганлигидир. Қаҳрамоннинг ўйларига сабаб бўлувчи асос бор. Яъни *бир ойча бурун олиму фозил Салимхоннинг бир халта гап кўтариб келиб, “фарзандингиз Аввалбек устахонасида қайд қилиб олиб, кейин мендан сўради. Падаримизни... кейинроқ ҳам ўқишармикан, деб сўради”* деб айтган гапидир.

Аввало ушбу матндаги *бир халта гап* бирикмаси диққатга сазовор. Ана шу бир халта гап ичида юракни оғритишга сабаб бўладиган ўғилни гапи ҳам бор. Шунга кўра бир халта гап бирикмаси “кўп гап”, “ортиқча гап” ва асар қаҳрамонининг руҳиятига таъсир этувчи гап. Ёзувчи матнда бу сўз бирикмасини қўллаш орқали асар қаҳрамонини олдин бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ўйлашга қаратади.

“Лолазор” романидаги ифода услуб ва матн тузилишига хослик ёзувчининг “Истеъфо”, “Галатепага қайтиш”, “Мустафо” қиссаларида ҳам мавжуд.

Бобнинг учинчи фаслида ёзувчининг сўз танлаш ва қўллаш маҳорати ҳақида фикр юритилади.

Мурод Муҳаммад Дўст асарлари сўз қўллашдаги индивидуалликни намоён этувчи муҳим манбалардан ҳисобланади. Бу ҳолатни ёзувчи ижодида бир ҳолатни бир неча лингвистик воситалар орқали ифодаланиши мисолида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, инсон руҳий ҳолатини англатувчи хурсандлик, хафалик ҳолатларини ифодалашда ёзувчи ўзига хос индивидуал ифодалар қўллайди. Масалан, *-Бўлди Тошпўлат ака, бас қилақолинг дея аччиқланган бўлди Замира, лекин жаҳли чиқмади, лабларига қўнган кулгини, яширмоқ истаб юзини бурди* (“Галатепага қайтиш”). Руҳий ҳолат тасвири берилган ушбу матнда хурсандлик тушунчасини ифодалашда *лабда қўнган кулгу* бирикмаси қўлланилган. Ушбу ифодани хурсандлигини яширмоқ бирикмаси билан ҳам бериш мумкин эди. Ушбу ҳолатда ёзувчи ифодамоқчи бўлган фикр бадиий бўёқдорлигини йўқотиб оддий ифодага айланарди.

Характерлиси шундаки, ёзувчи бир тушунчани ифодалашда образли воситаларни кўплаб вариантларини яратади ва матннинг бадиий-бўёқдорлигини кучайтиради. Масалан, *Лекин начора, меҳмон отангдан улуг, юзимга хуррамлик суртиб Яхшибоевнинг истиқболига шошилдим.* (“Лолазор”) гапида “хурсандлик” маъносини ифодалашда *юзга хуррамлик суртмоқ* сўз бирикмаси ишлатилган. Мазкур матнларда айтилган бир тушунчани ифодалашда лабга кулгу қўнмоқ, юзга хуррамлик суртмоқ каби икки ифода қўлланилиши, сўз танлаш ва қўллашда тилнинг нақадар кенг имкониятга эга эканлигини кўрсатади.

Бадиий асарнинг индивидуаллик хусусиятлари асарнинг бадиий қимматини белгиловчи муҳим омил эканлигини проф. С. Каримов шундай изоҳлайди. “Ижодкор моддий оламни ўзига хос тарзда идрок қилади, табиатдаги, жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳали ҳеч ким пайкамаган, илғаб ета олмаган қирраларини кўра олади, бинобарин, ҳамма учун истеъмолда умумий деб айтадиганимиз – тил ёзувчи қаламида индивидуал тасвир қуролига айланади. Шунинг учун ҳар бир бадиий асар чинакам маънода хусусийдир”⁹. Дарҳақиқат, ижодкорнинг моддий оламни идрок қилиши ва уни ифода этишининг ўзига хослиги хусусийликни вужудга келтиради. Хусусийлик ҳамма сингари тилнинг умумистеъмолдаги маъно хусусиятларидан фойдаланиш билан эмас, аксинча ёзувчи томонидан ҳосил қилинадиган янги маънолар, умумтилда мавжуд бўлмаган янги ифодалар натижасида ҳосил қилинади.

Масалан, *Деразаларни ланг очиб юборди. Дарахтларда мажлис бошлаган қушлар ҳуркиб учиб кетишди* (“Лолазор”) гапида *мажлис бошлаган* сўз бирикмаси орқали дарахт шохларидаги қушларнинг тинимсиз чуғурлаши образли ифодаланган. Бу бирикма орқали муайян мазмунни ифодалар экан, ёзувчи қушларнинг чуғурлашишини тортишувли мажлислар билан қиёслади ва ушбу ҳолатлар орасидаги боғлиқлик натижасида мажлис бошлаган сўз бирикмаси қўлланилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Мурод Муҳаммад Дўст асарларида сўз ёзувчи индивидуаллигини таъминловчи восита сифатида” деб номланиб, унинг биринчи фаслида М.М.Дўст асарларида индивидуал нутқни ифодаловчи воситалар таҳлил қилинди. Маълумки, Бадиий асарда ҳаёт тарзи ифода этилади. Ҳаёт тарзи эса ҳар хил. Ҳаётда турли-туман, характер-хусусияти билан бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган турли жойларда яшовчи одамлар мавжуд, улар бадиий асарга олиб кирилади ва тасвирланади. Бу жараённинг ўта мураккаблиги шундаки, улар танланади, муштарак хусусиятлари асосида умумлаштирилади ва бадиий асарга олиб кирилади. Бу ёзувчидан катта маҳоратни талаб қилади ва шундай ҳолатларда бадиий асарда индивидуал нутқ яратилади. Мурод Муҳаммад Дўст асарлари ана шундай индивидуал нутқ асосида қурилган бўлиб, ҳар бир қаҳрамоннинг ўзига хос нутқи вужудга келтирилган.

⁹ Каримов С. Ўзбек илининг бадиий стили. – Самарқанд: Зарафшон, 1992, – Б. 26.

Масалан, асар қаҳрамонларидан бири Ҳотам Шўро қишлоқ шўросининг раиси, тараққиёт учун янгиликнинг яратилиши учун бор кучини сарф қилган одам. У фақат тараққиёт учун жон куйдиради: Ҳотам Шўродаги бу хусусиятларни ифодалаш учун ёзувчи қуйидаги сўзлардан фойдаланади, халқпарвар, ватанпарвар, лекин дангал, қишлоқи муомалага одатланган, ўзига хос шахс. Шунинг учун ёзувчи Ҳотам Шўрони тасвирлашда унга эҳтиром билан ёндашади ва унга хос барча хусусиятларни ўз нутқи, сўзлари орқали баён этади: *Ҳотам Шўро бригадирларнинг ҳориган юзларига бир зум қараб турди, уларнинг ҳам бояги икки бўз йигитга ўхшаб узоқ шаҳару яқин келажак сари олға кетмаганларига ачинди, недир яхши гаплар айтмоқчи, юпанч бўлмоқчи бўлди-ю, лекин оғзидан бутунлай бошқа сўзлар чиқиб кетганини пайқамай қолди* (“Лолазор”). Бу ифода орқали ёзувчи асар қаҳрамонларидан бири Ҳотам Шўрога хайрихоҳлигини ифодалаган. Ушбу жумладаги *ачинмоқ, яхши гаплар, юпанч бермоқ* каби сўз ва сўз бирикмаларининг қўлланилиши асар қаҳрамонининг аслида яхши инсонлигидан далолат беради.

Бобнинг “Мурод Муҳаммад Дўст асарларида синонимлар лингвопоэтикаси” номли иккинчи фаслида ёзувчининг синонимлардан фойдаланиш маҳорати ҳақида фикр юритилади.

Синонимлар ёзувчининг сўз қўллашдаги индивидуал хусусиятларини намоён этувчи муҳим луғавий бирликлардир. Синонимларнинг бадиий нутқ жараёнидаги ўрни тушунчани турли даражаларда ифодалаш билан белгиланади. Чунки синонимик қатордаги сўзлар тушунчанинг белгисини турли даража билан ифодаланиши, эмоционал бўёқдорлигига кўра ўзаро фарқланиши мумкин.¹⁰ Бу хусусиятлар эса бадиий асарда фикрни ранг-баранг ифодалаш имконини беради.

Ҳар қандай бадиий асар, аввало, синонимларга бойлиги билан характерланади. Чунки синоним сўзларнинг ҳар бирида ўзига хос маъно нозикликлари бўлиб, улар муайян вазиятда, нутқнинг йўналишига мос ҳолда қўлланилади. Шундай матнлар бўладик, унда қўлланилган сўзнинг бошқа синоними билан мутлақо алмаштириб бўлмайди. Бу ҳолат сўзларга хос умумий хусусиятлардан бўлиб синонимларда эса янада ёрқинроқ гавдаланади. Мурод Муҳаммад Дўст асарларида синонимларни қўллашда алоҳида ўзига хосликни кузатиш мумкин. Ёзувчи асарларида асосан адабий тилдаги сўзнинг шевага хос синоними қўлланилган ҳолатлар кўп учрайди ва бундай қўлланишларда синонимлар нозик маъно қирраларини намоён қила олади. Масалан, *Аксинча. Гўё бўғзингизда махсус филтр бордай, гўё жўнроқ сўзларни ушлаб қолади. Шалдироқлари ўтиб кетаверади. Соддароқ гапира олмайсиз* (“Лолазор”) гапидаги *жўн* ва *содда* сўзлари синонимлардир. Жўн сўзида оғзаки нутққа хос бўёқдорлик мавжуд. Жўнроқ сўзи орқали “айтиш мумкин бўлмаган сўзлар” тушунчаси ифодаланса, соддароқ сўзи орқали “ичингиздагини айтмайсиз” маъноси ифодаланган.

¹⁰ Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974, – Б. 4

Аслида “содда” тушунчасини ифодаловчи бу синонимларнинг ушбу матндаги маъноси синонимик маъно эмас, поэтик маънодир.

Содда сўзининг оддий сўзлашувга хос синоними жўн сўзи эса матнда баён этилаётган фикрни таъкидлаш мақсадида қўлланилган... *Биз туғилган замонлар ўзгача, одамлар ҳам ўзгача, Искандар замонидаги соддалигу гўллик йўқ* (“Лолазор”) гапида эса шу сўзнинг яна бир синоними *гўл* сўзи қўлланилган.

Ёзувчи асарда нафақат тил учун хос бўлган синонимлардан унумли фойдаланган, балки сўзларга матний синонимларни ҳам яратган. Бундай индивидуал синонимларнинг қўлланилишида сўзнинг асл маъносидан узоклашилмаган ҳолда кўчма маънода ишлатилиши натижасида эришилган.

Семиз сўзи предметнинг муайян белгисининг ортиқ эканлигини ифодалайди. Масалан, *Очиқ иддао қилолмайди, қўрқади, ҳарна, семизгина ҳамёнинг бор* (“Лолазор”). Шунга кўра ушбу сўз кўп сўзи билан маънодошлик ҳосил қилади. Ёзувчи семиз сўзининг шу маъно нозиклигидан маҳорат билан фойдаланган ҳолда “кўп пул” маъносида семизгина (ҳамён) сўзини қўллаб, ўз индивидуал услубига хосликни таъминлаган. Бу ҳолат синонимларнинг маъно ифодалаш жараёнида алоҳида ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини ва ижодкорлар ундан унумли фойдаланиши натижасида асар тилининг ранг-баранглигини таъминлаши мумкинлигини кўрсатади.

Ёзувчи “кўп пул” маъносида семиз ҳамёнга маънодош сифатида тўқ ҳамён бирикмасини қўлласа, унга зид маънони ифодалашда пуч ҳамён бирикмасини қўллайди. Натижада “пули кўп” маъносини ифода этувчи семиз ҳамён ва тўқ ҳамён маънодош бирикмалари ёзувчи ижодида вужудга келади. Масалан, *Ҳамённи тўқроқ қилинг, керак бўп қолиши мумкин. Укангизнинг қабрига мәрмартош оласиз. Ҳамёним пучроқ эди, ҳайриятки, хотин-невараларнинг кийим-пийимига деб қўйгани бор экан, ўшани ҳам чўнтагимга солди* (“Лолазор”). Семиз, тўқ ва пуч сўзлари мазкур матнларда одатда ифодаладиган денотатив маъносидан узилганини кузатиш мумкин. Бу сўзлар маъносидаги нарса-ҳодисалардаги мавжуд белгининг кўплиги, ортиқлиги, камлигини ифодалаш семасининг мавжудлиги уни ёзувчи томонидан “кўп ёки оз пул” маъносида қўллаш учун асос бўлган.

Ёзувчи ижодида семиз сўзининг қалин сўзига синоним сифатида ишлатилганини, бунда ҳам “кўплик” тушунчаси ифодаланганини кўриш мумкин.

Орадан анча йиллар ўтди. Яхшибоев семизроқ бир асарга чалғиб, Қурбонойни салкам унитиб юборган эди. (“Лолазор”) гапидаги *семизроқ асар* бирикмаси “катта ҳажмдаги асар” маъносида “кўплик” тушунчасини ифодалаган.

Синонимлар ёзувчи учун бадий-бўёқдорликни таъминловчи муҳим манбадир. Айниқса, нуткнинг турли кўринишларига хос бўлган маънодош сўзлар бадий матнда қўлланилганда эмоционал-экспрессивлик янада кучаяди. Масалан, *Асл деҳқон фарзанди, қувлиги ҳам ўзига яраша. Лекин қувлиги учун айблаб бўлмайди, хўжалиги катта, шундай катта хўжаликни эплаш учун озгина айёр тулки бўлиш ҳам керак. —Э, ана ўзиям кеп қолди! —деб*

хитоб қилди Яхшибоев. –тўпорилиги ёлгон бунинг, гап пойлашидан билаверинг, доғули бу (“Лолазор”). Матндаги *қув, айёр, доғули* сўзлари маънодош бўлиб, *қув* оғзаки нутққа хослиги, *айёр* умумнутқийлиги, *доғули* архаик-китобий нутққа хослиги билан фарқланади. Гарчанд бу сўзлар ёрдамида бир маъно “айёрлик” ифодаланган бўлса-да, ҳар бир сўз ўзига хос қўшимча маъно бўёғига эга. Бинобарин, айёр сўзи салбий бўёққа эга бўлиб, шу маънони ифодаловчи қувлиги сўзида салбий бўёқ кучсизланганини, доғули сўзи эса ижобий маънода қўлланилган бўлиб, “эркалатиш” маъноси мавжудлигини кузатиш мумкин. Синонимлардан маҳорат билан фойдаланиш синонимларнинг бадиий матнларда муҳим вазифа бажариб нутқий ранг-барангликни таъминловчи воситага айланишини таъминлайди.

Бобнинг учинчи фасли “Ёзувчининг кенг истеъмол сўзларидан фойдаланиш маҳорати” деб номланиб, унда ёзувчининг кенг истеъмол сўзларидан бадиий-эстетик мақсадларда фойдаланиш маҳорати хусусида мулоҳаза юритилади.

Кенг истеъмол сўзлари тил луғат таркибининг муҳим қисмини ташкил қилади. Кенг истеъмол сўзлари кундалик турмушда кенг қўлланиладиган кўпчилик учун тушунарли бўлган ва услубий жиҳатдан нейтраллиги билан характерланувчи сўзлардир¹¹. Ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари ҳақида фикр юритар экан, Э. Бегматов бу луғавий қатламнинг ўрганилмаганлигини ҳақли равишда эътироф этган¹².

Ушбу луғавий қатлам тилшуносликда кундалик турмушда ишлатиладиган, ҳамма учун тушунарли бўлган сўзлар¹³ умумнутқ қатламига хос луғавий бирликлар¹⁴, умумистеъмолдаги лексика¹⁵, қўлланиш доираси чегараланмаган лексика¹⁶ номлари билан аталиб келинган.

Кенг истеъмол сўзлари ҳам бошқа луғавий воситалар сингари нутқнинг барча турларида фаол қўлланиладиган сўзлар бўлиб, бадиий асарларда бу луғавий бирликлар асосан персаножлар нутқи орқали намоён бўлади. Кенг истеъмол сўзлари асосан матнда маъно ифодалаш воситаси сифатида ишлатилади, бироқ улар ҳам бадиий-китобий, кўчма маъноли сўзлар сингари фикрий бўёқдорликни таъминлаш хусусиятларига эгаки, уларни нутқ жараёнига мос ҳолда қўллаш натижасида бу тип сўзларнинг нутқий ранг-барангликни таъминлаш хусусиятлари очилади. Кенг истеъмол сўзлари бадиий асарда бошқа қатламлардаги сўзларга нисбатан бир неча баробар кўп қўлланиладиган луғавий бирликлардир. Масалан, *Индамадим. Рости, бир муддат иккиланган пайтим ҳам бўлди. Ишонмоққа мойиллик тугилди. Лекин яна бир истиҳола борки, мен ҳам унга ўхшаган банда бўлсам, менда ҳам*

¹¹ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 11.

¹² Бегматов Э. Шу асар. – Б. 11.

¹³ Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1970. – Б. 32.

¹⁴ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – Б. 62.

¹⁵ Шобдуррахмонов Ш., Асқарова А., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 127.

¹⁶ Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 11-16.

иссиқ жон, бировнинг маракасини бўйинга олмоқ азбаройи манманлик эмасми, деб ўйладим (“Лолазор”).

Бу матн бадиий ифодага, таъсирчанликка эга бўлган матн бўлиб, сўз қўлланилиши жиҳатидан асосан кенг истеъмол сўзларидан иборат. Матндаги таъсирчанлик фикр ифодалаш жараёнида сўздан маҳорат билан фойдаланиш асосида вужудга келган. *Индамадим, ишонмоқ, мойиллик, истиҳола, манманлик* каби сўзларни маҳорат билан ишлатилиши матнга бадиий бўёк берган. Ушбу матн бадиий нутқда кенг истеъмол сўзлари воситасида бадиий бўёқдор фикр ифодалаш имконияти чексиз эканлигини кўрсатади.

Ёзувчи асарларида кенг истеъмол сўзларининг кўпмаънолилиқ хусусиятларидан маҳорат билан фойдаланиш орқали тилдаги сўзларнинг маъно ифодалаш даражаси нақадар кенг эканлиги акс эттирилган. Масалан, романда *қарамоқ* сўзи орқали шу сўзнинг асл “қараш” маъноси ифодаланганидек (*Кейин қарасам, Яхшибоев ғамгин тортибди*), “йўналиш” маъноси (*Энди кўнка бекатиға қараб юрган ҳам эдимки, ичкаридан икки ошна-носирлар чиқиб келишди*) “яхши муносабатда бўлиш маъноси” (*Иккови жуда ҳам қалин, ўтирганда ҳам, турганда ҳам бир-бирининг кўнглиға қарайди*), “кўрмоқ” маъносида (*Киночилар келиб қарашса, директорлари бирор йигирма қутидаги очилмаган плёнкани очиб, чувалтириб, қўлидаги газчўп билан мисоли газмолдай ўлчаётган экан*), шунингдек, “олиб ўтирмоқ” (*Қайнонам қарайди. Бева аёл сизга ўхшаган чиройли чоллардан садо чиқавермагандан кейин... нима қилсин, невараларға қарайди-да*) маъносини ифодалаганлиги ҳам кузатилади.

Бобнинг тўртинчи фасли “Ёзувчининг оғзаки нутқ воситаларидан фойдаланиш маҳорати” деб номланиб, унда ёзувчининг оғзаки нутқ воситаларидан бадиий-эстетик мақсадларда фойдаланиш маҳорати хусусида мулоҳазалар юритилади.

Оғзаки нутқ воситалари нутқнинг оғзаки шакли учун қўлланиладиган луғавий воситалар бўлиб, А.В.Каланин бундай тил воситаларининг нутқнинг оғзаки шаклларида қўлланилуви, ёзма шаклида қўлланилмайдиган воситалар эканлигини эътироф этар экан, ёзма нутқ ҳақида гапирганда бадиий адабиётни бунга киритилмаслиги, бадиий адабиёт услубий ранг-баранг, шу боисдан бадиий асар услубий нейтрал, оғзаки нутққа хос, шунингдек, юксак услубга оид сўзларни ҳам қамраб олишини таъкидлайди¹⁷.

Мурод Муҳаммад Дўст асарлари оғзаки нутқ воситаларига бой, унда ёзувчининг индивидуал услуби билан боғлиқ равишда сўзларни такрорлаш асосида қўлланилган оғзаки нутққа хос луғавий birlikлар ҳам кўплаб учрайди.

Сиз мени, телевизор-пелевизорда кўриб юргану энди келиб ёпишяпди деб ўйламанг, домлажон. Ашур – пашурингни кўй, Чоршанби болам, ўзинг аниқлаб кўр. Гапларидаги телевизор-пелевизор, Ашур-пашур сўзлари иккинчи қисмининг қўлланилиши асосида оғзаки нутққа хосликни таъминлаган.

¹⁷ Калинин А. В. Лексика русского языка. – М.: Московского университета, 1978. – С. 175.

Оғзаки нутқ воситалари таркиби жихатидан ранг-баранг. Унда оғзаки адабий нутққа хос сўзлар, оддий сўзлашувга хос сўзлар, дағал сўзлашувга хос сўзлар мавжуд бўлганидек, сўзларни диалектал шаклларда қўлланилиши ҳам оғзаки нутққа мансубликни таъминлайди. Бу нутқ воситаларининг муҳим хусусиятларидан бири сўзлардаги эмоционал-бўёқдорликнинг кучлилиги, шунинг учун ҳам бундай сўзлар ёрдамида ҳис-туйғунинг кучли даражада ифодаланиши таъминланади.

Ёзувчи асарларида қўлланилиб турли маъно нозикликлари билан фарқланиб турган қуйидаги оғзаки нутққа хос луғавий воситалар ҳам ўзига хос маъно нозикликларга эга бўлиб, эмоционал-экспрессив бўёқдорлик хусусияти билан ажралиб туради. Масалан, *Мамаишокировнинг овозида андак пичинг сезилди. Эломоновнинг хуноби ошади, учтаси билан эмас, биттаси билан чиқишолмаяпман, қолган иккови дуруст* (“Истеъфо”) гапидаги *андак, чиқишолмаяпман, дуруст* сўзлари оғзаки нутққа хос. Улардан андак, дуруст сўзлари денотатив маънода қўлланилган ҳолда асар қаҳрамонининг оддий халқ вакили эканлигини англатса, чиқишолмаяпман сўзи орқали шу сўзнинг оғзаки нутққа хос “келишолмаслик” маъносининг ифодаланиши бу воситаларнинг бадиий нутқ жараёнидаги муҳим луғавий бирлик эканлигидан далолат беради. ...*Ҳайбатулла домла, ландавур Ҳайбатулла домла, анойи, анқов, азбаройи шўри қуримаса, анови безориларга тенг бўлармиди!* (“Лолазор”) гапидаги *ландавур, анойи, анқов* сўзларида “бўш”, “ҳеч нарсани уддалаёлмаслик” маъносининг юқори даражада эканлиги ифодаланса, э, *парво қилманг, деган қабилда сўз қотди, мен ўзим ҳам асалу бол эмасман, юмишқоқ супурги бўлишдан худо асрасин* (“Лолазор”) гапидаги *юмишқоқ супурги* сўз бирикмаси орқали “лаганбардорлик қилувчи” маъноси кучли эмоционал-бўёқдорликда ифодаланган.

Бобнинг бешинчи фасли “Ёзувчининг диалектизмлардан фойдаланиш маҳорати” деб номланиб, унда ёзувчининг диалектлардан бадиий-эстетик мақсадларда фойдаланиш маҳорати хусусида мулоҳазалар юритилади.

Оғзаки нутқнинг муҳим қисмини диалект ва шевага хос сўзлар ташкил этади. Бадиий асарларда диалектизмлар, асосан, персонажлар нутқини индивидуаллаштириш, муайян жойга хосликни акс эттириш мақсадларида қўлланилади. Бадиий диалектизмларнинг бадиий вазифаси шу билан чегараланиб қолмайди.

Диалектизмлар умумхалқ тилининг ажралмас қисми бўлиб, бадиий асарларда учрайдиган диалектизмлар шу халқ вакилининг жонли сўзлашув нутқи воситаларидир. Бадиий асар қаҳрамонлари ана шундай оддий халқ вакили экан, уларнинг нутқида бу воситалардан фойдаланмаслик, асар персонажларини сунъийлаштиришга, асарда замон, макон тамойилларини бузилишига олиб келади. Кўринадикки, бадиий асарларда диалектизмлардан фойдаланиш зарурат тақозосидир. Диалектизмлар персонажлар нутқи учун хос бўлган луғавий воситалар бўлиб, адабий тил луғавий бойлигини ошириб боровчи муҳим манбадир.

Мурод Муҳаммад Дўст ҳам ўз асарларида диалектизмлардан унумли фойдаланган ижодкордир. Ёзувчи асарларида диалектизмлар, аввало, асар

персонажининг оддий халқ вакили эканлигини кўрсатиш учун қўлланилганини кузатиш мумкин. Бу ҳол диалектизмларнинг бадий вазифаси кенглигини кўрсатади. Масалан, Мундайликда мен соб бўламан-ку, амаки! – деди Усмонали (“Мустафо”) гапида қўлланилган мундайлик, соб диалектал сўзлари сўзловчининг оддий халқ вакили эканлигини кўрсатади. Чунки “бундай юришда” маъносидаги мундайликда ва “томом бўлмоқ” маъносидаги соб диалектал сўзлари, айнан, муайян ҳудудга хосликни эмас, балки асар персонажининг қандай киши эканлигини кўрсатиш учун қўлланилган. Зеро, бу диалектал сўзлар маълум бир ҳудудга хос бўлмай, бир неча ҳудудда қўлланиладиган сўзлардир. – Дарров хизматдан келасан-а, Саидбой. Ё ҳукуматнинг одами жўнроқ гапиролмайдими? (“Истеъфо”) гапидаги жўн диалектизмибадий асарда акс этган маконни белгиси сифатида ишлатилган. Бу ҳол шуни кўрсатадики, бадий асарларда диалектизмлар кўп функциялидир.

“Паремаларнинг лингвопоэтик табиати” деб номланган учинчи бобда ёзувчи асарларида қўлланилган идиомалар ва халқ мақоллари лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил қилинган. Мурод Муҳаммад Дўст паремиологик бирликлардан унумли фойдаланган ҳолда ўз асарларининг бадий-эстетик моҳиятини оширган. Айниқса, идиомалар ва халқ мақолларининг қўлланилишида бу хусусият янада бўртиб туради.

Идиомалар асосан бадий нутқда, қисман, оғзаки нутқда қўлланиладиган сўзловчининг тилдан фойдаланиш маҳоратини намоён этувчи воситалар, улар асосан индивидуал қўлланишга хослиги билан бошқа тил воситаларидан ажралиб туради.

Маълумки, бадий нутқ образли воситаларга таянувчи нутқ. Бадий нутқнинг хусусиятларидан келиб чиқилган ҳолда идиомаларни нутқнинг шу турида кўп қўлланилиши ушбу тил бирликларининг образли воситалар эканлигини кўрсатади. Идиомалар иборалар ва халқ мақоллари каби барқарор, таркибидаги сўзларни ажратиш мумкин бўлмаган луғавий воситалар бўлиб, улар таркибидаги сўзлар бир бутун ҳолда маъно ифодалашга мўлжалланган. Идиома тилда маъно ифодалашнинг ўзига хос йўли бўлиб, янги ифодаланаётган маънонинг идиома ҳосил қилаётган сўзлар ифодаладиган луғавий маъно билан боғлиқлиги бўлмайди. Масалан, –*Тўғри айтасиз, ўртоқ фалончиев. Мен тилига пишиқ одамман* (“Лолазор”) гапидаги *тилига пишиқ* идиомаси “ҳар қандай гапни атавермайман” маъносида қўлланилган. Бу маъно идиома таркибидаги ҳар иккала сўзнинг ҳам луғавий маъноси билан боғлиқ эмас. Бироқ тилда ҳар қандай маъно ифодаловчи луғавий восита бирор асосга эга бўлиши шарт. Тил эгаси сўзлар орқали бирор маънони ифодалашда ана шу асосга таянади. Идиомалар шу мантикий асосга таяниш натижасидаги тил воситаларидир. Келтирилган идиома таркибидаги *пишиқ* сўзи оғзаки нутқ бирлиги, якка ҳолда қўлланилганда кўчма маънода “бақувват”, “кучли”, “мустаҳкам” каби маъноларни ифодалайди. “Мустаҳкам” маъноси ифодасига кўра ушбу сўз денотатив *пишиқ* *ип* ва коннататив *пишиқ одам* маъноларни ифода этади. Кейинги бирикувда *пишиқ* сўзи “ўйловли, ишини билиб қиладиган, мулоҳаза билан

иш юритадиган” шахс тушунчасини ифода этади. *Тилига тишиқ* идиомасининг вужудга келишида *тишиқ* сўзи орқали юзага чиқадиган ана шу кўчма маъно муҳим асос бўлган. Чунки мулоҳаза билан, билиб иш юритадиган киши, ҳар қандай гапни айтавермайди. Бу ҳол шуни кўрсатадики, идиомалар маъноси гарчанд, таркибидаги сўзлар маъносидан келиб чиқмаса ҳам компонентидаги сўзлардан бирининг кўчма маъносига алоқадор бўлади, идиомалар таркибидаги сўзларнинг аташ, бирламчи маъноларининг йўқолиши, бу луғавий восита билан янги маъно ифодаланиши, уларнинг тил тизимидаги ўзига хос ифода воситаси эканлигидан далолатдир. Идиомалар ҳам иборалар сингари образли воситалар бадий нутқнинг бадий-образлилигини, сербўёқлигини таъминланишида идиомалар муҳим вазифа бажаришини Мурод Муҳаммад Дўст асарлари мисолида ёрқин кузатиш мумкин. Масалан, *Дилда мамнунлик туйди, мамнунлик баробарида шайтоний бир қаҳқаҳа ич-ичини қитиқлади* (“Лолазор”) гапидаги *шайтоний қаҳқаҳа* идиомасининг қўлланилиши мазкур матн учун муҳим маъно ифодалаш воситаси бўлган. Ушбу идиома орқали “заҳархандали кулиш” маъноси ифодаланган бўлиб, кулги эгасининг хурсандчилигини, ўзга шахсга нисбатан ёмон муносабатда эканлигини билдиради. Матнда ушбу маънони бошқа бирор луғавий восита орқали ифодалаш шайтоний қаҳқаҳа идиомаси ифодасидаги нозик маънони, эмоционалликни беролмаслиги мумкин эди. Чунки гапда ишни бажариш учун катта ваъда берган, шу боисдан бошқаларни назар-писанд қилмаган, ўзини жуда юқори даражада қўйган киши ҳақида фикр юритилган. Бу ишни мутлақо бажариш мумкин бўлмаслиги аён бўлгач, назар-писанд қилинмаган шахс, ўз хурсандчилигини намоён этади. Бу ҳолатни ифодалаш учун ёзувчи шайтоний қаҳқаҳа идиомасини қўллайди.

Бировнинг мағлубиятидан бу даражада хурсанд бўлиш инсонга хос хусусият эмаслигини назарда тутган ҳолда ёзувчи бу ҳолатни шайтонга хос одат сифатида баҳолаб ҳолатга баҳо беради. *Шайтоний қаҳқаҳа* идиомаси қаҳрамоннинг ички кечинмаларини ва ёзувчининг ушбу кечинмаларга тўла муносабатини ифода эта олган луғавий восита сифатида лингвопоэтик маънога эга.

Идиомалар объектив борлиқдаги нарса ҳодисаларни номлаш учун эмас, ҳаракат ва ҳолатларни модал муносабатлар асосида ифода этиш учун қўлланилади. Модал муносабатларни ифодаловчи тил воситалари ҳамма вақт ҳам бадийлик ва образлиликни таъминлаш хусусиятларига эга бўлади. Идиомаларнинг нутқий, лингвопоэтик моҳияти бадийлик ва эмоционалликни вужудга келтириш асосида таъсирчанликни таъминлаши билан белгиланади.

Мақоллар халқ донолигининг намунаси бўлиб, мақолларда халқнинг кузатишлари, тўплаган бой тажрибалари ўз ифодасини топган бўлади. Мақолларнинг яратилиши, ҳаётни теран тушуниш асосида нарса-предметларни баҳолаш, воқеа-ҳодисаларни ўзаро қиёслаш натижасида хулосалар чиқариш билан боғлиқ. Шунга кўра мақоллар юксак тафаккур тарзининг намунаси бўлиб, уларда ибратомуз фикрлар ихчам, тушунарли

тарзда ифодаланган бўлади. Мақолларнинг муҳим хусусияти халқ ҳаёти, халқнинг турмуш-тарзи, урф-одатлари, орзу-ниятлари, маънавий оламининг тажрибаларга таянган ҳолда ахлоқ-одоб бериш руҳида ифода этилишидир. Ҳар бир халқ мақолида шу халқнинг ахлоқий, маънавий-маърифий қарашлари ўз ифодасини топади.

Халқ мақолларидан фойдаланилганликни барча ижодкорлар асарларида кузатиш мумкин, бироқ ўз асарларида мақоллардан фойдаланиш ва мақолларнинг турли вариантларини яратишда ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст ижоди алоҳида ажралиб туради. Ёзувчи асарларида мақоллар бир неча вазифаларни бажарган ҳолда қўлланилганини кузатиш мумкин. Масалан, *–Ҳеч-да, устоз-шогирдга оғирлик қилган пайтини эшитганим йўқ. Боз айтибдиларки, қари билганни пари билмас* (“Лолазор”) гапда келтирилган *қари билганни пари билмас* синтактик қурилмаси ўз маъносида қари кишининг кўп нарсаларни билиши ҳақида фикр юритилган. Шу маънонинг ифодаланиши асосида қари кишининг кўп йил яшаганлиги, ҳаётда кўп нарсаларнинг гувоҳи бўлган, тажрибаларга таянилган ҳолда фикр юритишига ишора қилинади. Ушбу синтактик қурилмада қари кишининг теонимик асосга эга бўлган парига қиёсланиши образлиликни ҳосил қилишга қаратилган. Матнда ушбу мақолнинг қўлланилиши айтимокчи бўлган фикрга далил келтириш вазифасини бажарган. Яъни устознинг ўғитларини қабул қилиш, айтганларини бажариш лозимлиги уқтирилганда фикрга далил сифатида кекса кишининг билимдонлигини пари тимсоли орқали кучайтирилиши мазкур ифодада образли идрок мавжудлигини кўрсатади.

Бадиий матнларда лингвистик воситалардан бадиий мақсадларда фойдаланилар экан, унинг нутқ йўналишига мослигига алоҳида аҳамият қаратилади. Мақоллар қўлланилишида эса бу яна ҳам яққол кузатилади. Чунки мақолларнинг коммуникатив ва бадиий-эстетик вазифалари доирасида мақолдан келиб чиқадиган мазмун ва матн маъносининг бир-бирига мослиги, ёзувчи ифодаламакчи бўлган ғояни ёрқин гавдалантириши каби нутқий имкониятлар ҳам мужассамланган бўлади. Бу ҳолат ўз навбатида мақоллардан бадиий матнларда фойдаланишда мураккабликлар туғдиради. Шу сабаб мақоллар ёрдамида фикрлар ва тасвирлар яратиб, бадиий фикр ифодалаш ҳолатлари бадиий асарларда ҳам кўп учрайвермайди.

Маълум бирор нарса-ҳодисага муносабат билдирилганда, шахсни баҳолашда фикрни тасдиқлаш, нарса-ҳодиса ёки шахснинг хусусиятини намоён қилишда халқ мақолларидан фойдаланилган. Масалан, *Бир ёқдан беради, бир ёқдан уради деганлари тўғридай* (“Лолазор”) гапида келтирилган мақол ишлари ўнгидан келиб юрадиган, баъзан эса муаммоларга дуч келиб қоладиган персанож нутқида қўлланилиб, ҳаётга муносабат ифодаланган бўлса, *Оқ ит, қора ит, бари бир ит, -дия бўш келмади Ҳайкал Ғаниевич* (“Галатепага қайтиш”) гапида ёмон ҳарактерли кишилар ҳақида фикр юритилиб, уларнинг ҳаммаси ҳам ёмонлигига далил келтириш мақсадида мазкур мақол қўлланилган, қиёслаш асосида фикр ифодаланиши ва мақолнинг кўчма маънода “Ёмонлик қилувчининг барчаси ҳам ёмон” тушунчасини аңлатишига кўра коннотатив вазифа бажарган.

Зеро, нутқда барча тил воситаларининг қўлланилишининг асоси коммуникатив жараён билан боғлиқ экан, мақоллар ҳам бундан мустасно эмас. Бироқ, мақол маъносида ишоранинг мавжудлиги мақолларнинг услубий имкониятлари коммуникатив мақсадда қўлланиладиган сўзлардан

фарқли равишда икки томонлама вазифа бажариш хусусияти мавжудлигидан далолатдир.

Истеъдодли ёзувчилар халқ мақолларидан фойдаланиш билан бир каторда ўзи ҳам мазмунан ва шаклан халқ мақолларига мос келадиган мақоллар тузади ва ёзувчининг ғоясини очиб бериш сари йўналтиради. Масалан, пиринг шайтон бўлса, мазҳабинг маълум мақолини қўллаш билан ёзувчи айёр, нокас инсон йўл-йўриғи билан иш олиб борилса, нотўғри йўлдан юрилиши ғоясини илгари суради. Шу билан биргаликда бундай мақоллар кимга нисбатан ишлатилган бўлса, шу шахсга бўлган сўзловчининг субъектив баҳосини ҳам билдиради. *Ўзашунос эндиликда шунчалар қудратлики, агар Африкада бирор давлат тўнтариши рўй берса, энг аввал, бу ишда Александр Шаймардоновичнинг қўли йўқмикан, деб сўралади. Пиринг шайтон бўлса, мазҳабинг маълум* (“Лолазор”). Мақол мазмунан чуқур мантикий асосга эга бўлиб, унга ўзининг хийлакорлиги орқали раҳбарга сўзини ўтказиб, ёмон ишларга қўл ураётган шахсга нисбатан муносабат билдирилган. Ана шундай мантикий мулоҳазаларга асосланилган ҳолда яратилган мақоллардан бири ёзувчи томонидан қаноат қилиб ҳаёт кечириш, ўз меҳнати самарасидан баҳраманд бўлиш, меҳнатсиз роҳат қилиш йўлини тутганларга ибрат бўларлик ҳолда қўлланилган топиб туриб емаганни ҳам ур тишига, топмай туриб еганнинг ҳам ур тишига (–*Айтинг, чидасин! Ҳамма замон бир замон эмас-да, Эломонов ака! Топиб туриб емаганнинг ҳам ур тишига, топмай туриб еганнинг ҳам ур тишига* “Истеъфо”) мақолидир. Бу мақолни ёзувчи бориға қаноат қилмайдиган меҳнат қилмасдан тўкин-сочин яшашга хирс қўйган шахсларга ибрат сифатида келтиради ва бундай шахсларга нисбатан муносабатни мақол мазмуни асосида ифодалайди.

Ёзувчи ўз асарида мақолни қўллаш орқали ҳаётда, инсонлар муносабати жараёнида ҳар қандай ҳолат вужудга келиши мумкинлигини, шундай ҳолларда халқ мақолларида ифодаланган чуқур мазмунга эга бўлган ғоялар инсоннинг тўғри йўл тутиши учун ёрдам бериши мумкинлигини ҳам назарда тутди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст асарларини лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил қилиш қуйидагича хулосалар чиқаришга олиб келди.

1. Ўзбек тилшунослигида бадиий асар тили таҳлилига бағишланган кўпгина илмий тадқиқотлар мавжуд бўлса-да, катта тарихга эга, маҳоратли ижодкорлари ва етук асарлари мавжуд бўлган ўзбек бадиий адабиёти тилини ўрганишга бағишланган мавжуд тадқиқотларни етарли деб бўлмайди. Лингвистик жиҳатдан ўрганилиши лозим бўлган ижодкорлар ва бадиий асарлар ўзбек адабиётида етарлича мавжуд.

2. Мурод Муҳаммад Дўст асарларининг матний тузилиши унда тил воситаларининг танланиши учун асос бўлган. Ёзувчи асарларида муаллиф ва персонаж нутқининг аралаш ҳолда бўлиши, персонажлар нутқи орқали бўлиб

ўтган воқеалар ва тасаввурдаги нарсаларни ўйлаш тарзида ифодаланиши ёзувчининг ўзига хос ифода услубини намоён этади.

3. Мурод Муҳаммад Дўст сўз танлаш ва уни нутқда қўллашда ўзига хос ижодкор. У, аввало, ифодаланмоқчи бўлган фикрнинг моҳиятига мос келадиган, маънони аниқ, тушунарли тарзда ифода этадиган, бадиий бўёқдорлик хусусиятлари билан алоҳида ажралиб турадиган сўзларни танлайди ва нутқ моҳиятига мос ҳолда қўллайди.

4. Мурод Муҳаммад Дўст асарлари луғавий жиҳатдан бой лексик таркибни қамраб олган. Кенг истеъмол сўзлари, оғзаки нутқ воситаларининг қўлланилиши жиҳатидан ёзувчи асарларидаги муҳим луғавий бирликлар эканлигини эътироф этиш лозим. Ёзувчи бу луғавий воситаларнинг нафақат маънолари, услубий имкониятларидан фойдаланган, балки уларнинг халқоналик белгиларини ҳам назарда тутган ҳолда ёндашган. Натижада бу воситалар орқали ёзувчи асарлари тили халқ тилига яқинлаштирилган, асарнинг тушунарлилиги, соддалиги уюштирилган.

5. Ёзувчи асарларини тил нуқтаи назардан характерловчи асосий белги, уни оддий сўзлашувга хос бўлган луғавий воситалар асосида шаклланганлигидир.

6. Бадиий матннинг бадиий-эстетик қимматини белгилашда синонимлар муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Синонимлардаги маънонинг турли даражаларининг ифодаланиши, сўз маъносидаги эмоционал бўёқдорлик ёзувчи учун кенг имкониятдир. Мурод Муҳаммад Дўст шу имкониятдан маҳорат билан фойдаланган ижодкор. Айниқса, ёзувчи ижодида адабий тилдаги сўзнинг оғзаки нутқда мавжуд синонимларини топиб қўлланилиши асар халқчилигини таъминлаш, персонажлар нутқини характерлаш вазифаларини бажарган. Синонимлар ёзувчи асарларида ўз жилодорлигини кўрсата олган. Маънонинг турли бўёқларда ифодаланиши орқали бадиий матнга бадиий бўёқ, кўтаринкилик, безак бериш мақсадида ҳам синонимлардан фойдаланилган.

7. Адабий тил сўз санъаткорлари томонидан ишланган тил сифатида талқин қилинар экан, бунда ижодкорларнинг тил тараққиётига қўшган ҳиссаси назарда тутилади. Бу жиҳатдан ҳам Мурод Муҳаммад Дўст ижоди характерлидир. У халқ тилида мавжуд луғавий воситаларни ўз асарларида қўллаш орқали уларни фаоллаштириш билан бир қаторда ўзи ҳам тилнинг сўз ясаш қолиплари асосида янги сўзлар ясаган.

8. Мурод Муҳаммад Дўст асарларида фаол қўлланилган луғавий бирликлар қаторида идиомаларни алоҳида ажратиш мумкин. Идиомалар тузилиши, ноанъанавийлиги, таркибидаги луғавий воситалар маъносининг идиома ифодаладиган янги маъно билан боғлиқлиги жиҳатидан мураккаб тил бирлиги бўлиб, уларнинг яратилиши оламдаги нарсалар-ҳодисалар, ҳолатларни бошқа нарсаларга таққослаш, тафаккурдаги нарсаларни образли тасвирлашга асосланади. Мурод Муҳаммад Дўст асарларидаги кўпгина идиомалар окказионал характерда бўлиб, ёзувчининг индивидуал услубига хос.

9. Халқ мақоллари бадиий асар таркибидаги муҳим луғавий воситалар бўлиб, улардан турли мақсадларда, жумладан, кўргазмалилик воситаси сифатида фойдаланилади. Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст асарлари ҳам халқ мақоллари билан зийнатланган асарлардир. Ёзувчи асарларида учрайдиган мақоллар қўлланилишига кўра, халқ варианты ҳолатидаги, ўзгартирилган вариантдаги ва ёзувчи индивидуал услубига хос мақоллар каби гуруҳларни ташкил этади.

10. Мурод Муҳаммад Дўст асарлари лингвистик жиҳатдан серқирра, унда умумхалқ тилида мавжуд барча луғавий воситаларнинг муайян услубий имкониятларни яратиш мақсадида қўлланилганини кузатиш ёзувчининг тилдан фойдаланишда ўзига хос индивидуалликка эга эканлигини кўрсатади.

**SCIENTIFIC COUNCIL PhD.30/03.12.2019. Fil.70.01 ON AWARD OF
SCIENTIFIC DEGREE OF DOCTOR OF PHILOSOPHY AT
KARSHI STATE UNIVERSITY**

TERMEZ STATE UNIVERSITY

HAMIDOV ABDUMALIK KIRONOVICH

Linguopoetics of the works of Murod Muhammad Dust

10.00.01 - Uzbek language

**DISSERTATION ABSTRACT FOR DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD)
IN PHILOLOGICAL SCIENCES**

Karshi – 2020

The theme of PhD dissertation is registered by Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministry of the Republic of Uzbekistan under the number B2019.3.PhD/Fil949

The dissertation was completed at Termez State University.

The dissertation abstract is published in three languages (Uzbek, English and Russian) on the website of Karshi State University www.qarshidu.uz and Ziyonet information and educational portal www.ziyonet.uz.

Research Supervisor:

Umurkulov Bekpolat

Candidate of Philological Sciences,
Associate Professor Official opponents:

Official opponents:

Mengliev Bakhtiyor Rajapovich

doctor of philological sciences, professor

Qodirov Ziyoidin Mamadalievich

Candidate of Philological Sciences,
Associate Professor

Leading organization:

Bukhara State University

Defence of the Thesis will take place at the meeting of the The Degree awarding Research Council number PhD.03.30.12.2019.Fil.70.01 under Karshi State University on ____/____/2020 at ____ o'clock. (Address: 180103, Karshi city, Kochabog street, 17. Phone No.: (0 375) 225-34-13; Fax: (0375) 221-00-56, e-mail: qarshidu@umail.uz).

The dissertation can be found at the Information Resource Center of the Karshi State University (registration number ____). (Address: 180103, Karshi city, Kochabog street, 17. Phone No.: (0 375) 225-34-13; Fax: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Hall of activists of Karshi State University, faculty of the Uzbek philology.

The dissertation abstract was distributed on ____/____/2020.
(Record of Registry №. ____ dated ____/____/2020).

N.N.Shodmonov

Chairman of Scientific Council awarding
Scientific degrees, Doctor of Philological sciences

G.N.Tojjeva

Secretary of Scientific Council awarding scientific
Degrees, Doctor of Philosophy (PhD)

X.Jabborov

Chairman of Scientific Seminar at the Scientific
Council awarding scientific
degrees,
Candidate of Philological Sciences,
Associate Professor

INTRODUCTION (Dissertation Annotation by Doctor of Philosophy (PhD))

The aim of the research. In world linguistics, since the second half of the twentieth century, the scope of research on the language of fiction, the poetic function of the word in literary texts has been expanding. Because of such research, it is possible to determine the role of the means of vernacular language in the realization of speech processes and to determine the factors that reflect the aesthetic effectiveness of language means.

Since the second half of the last century, the study of the language of fiction has focused on the study of the incomparable spiritual richness of each nation through the study of the literature of each nation, the identification of the artist's language skills, the speech structure of the writer, the extraordinary nature of expression. . Because of such research, new methods of studying the use of language in literary texts are created, and linguistics is enriched with various theoretical conclusions. The scientific significance of the study of artistic speech, the text of a creative work in terms of the artistic and aesthetic function of language means is that the role of language means in the speech process is assessed, the relationship between language and speech is theoretically based.

During the years of independence, our country has made significant progress in the study of fiction as a creative and individual style, the analysis of the figurative-expressiveness of artistic speech, which reflects the artistic and aesthetic value. As a result, there have been studies based on linguopoetic interpretation, which show the individuality of each artist in the use of words, demonstrating the ability of each creator to use linguistic means in accordance with the purpose. In modern Uzbek linguopoetics there is a growing need to analyze the work of art, to use various research methods of world linguistics to illuminate the poetic skills of the artist, as well as to study such issues as creative individuality and literary influence, comparative-typological, general and specific with world literature. Consequently, “Literature reflects the heart of the people, the spirituality of the people. In today's complex world, it is necessary to find a way into the hearts of people, to use the influential power of literature to inspire them to noble goals”¹⁸. Discovering the influential power of literature is one of the important tasks of linguopoetics.

This dissertation research to some extent serves in the implementation of the tasks set out in decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PD-4947 of February 7, 2017 “On the Strategy of further development of the Republic of Uzbekistan”, PD-5850 of October 21, 2019 “On measures to radically increase the

¹⁸ ¹⁸Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Адиблар хибони”га таширидаги маърузаси . Тошкентда адиблар хибони очилди. www.gazeta.uz. 2020 йил 20 май.

prestige and status of the Uzbek language as the state language” Decree No. PD-2909 of April 20, 2017 “On measures to further develop the system of higher education”, Decree of September 13, 2017 “On measures to develop the system of publishing and distribution of book products, increase and promotion of reading and reading culture”, implementation of the Resolution PD-3271 “On the program of measures”, as well as other tasks related to this activity.

The relevance of the research to the priority areas of science and technology development in the country. The dissertation was completed in accordance with the first direction of the development of science and technology of the republic “Social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of an informed society and a democratic state, the development of an innovative economy”.

The extent of the problem studied. In linguistics, a great deal of research has been done on the study of the language of fiction. they focus on the writer’s language skills, the writer’s individuality in word usage, the study of the language and style of individual works, as well as the linguopoetic study of the language of the work of art. This fact shows that in Uzbek linguistics the research on the literary text and its means of language is much more developed in terms of content and essence. Researchers such as Sh.Shoabdurahmonov, B.Turdialiev, B.Bafoev, Q.Samadov, L.Abdullaeva, I.Mirzayev, B.Yuldashev, S.Karimov, M.Yuldashev, B.Umurqulov, G.Muhammadjonova, R.Normurodov, M.Yoqubbekova, D.Shodieva, G.Jumanazarova, D.Andaniyazova have analyzed the prose works of poetry and folklore from a linguistic, linguistic-stylistic, linguopoetic point of view¹⁹. However, the writer's ability to use individual words in connection with the textual structure of the works of Murod Muhammad Dust has not been studied as a separate object of study.

¹⁹ Шоабдурахмонов Ш. О художественных особенностях поэмы “Равшан”. Автореф. дисс.... канд. филол. наук. – Ташкент, 1949; Турдалиев Б. Хамза и узбекский литературный язык начала XX века. Автореф. дисс.... докт. филол. наук. – Ташкент, 1988; Ҳамза ва ўзбек адабий тили – Тошкент: Фан, 1981; Бафоев Б. Лексика произведений Алишера Навоии. Автореф. дисс.... д-ра. филол. наук. – Ташкент, 1989; Самадов Қ. Некоторые вопросы языкового мастерства Айбека. Автореф. дисс.... канд. филол. наук. – Ташкент, 1967; Мирзаев И. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста. Автореф... дисс... докт. филол. наук. – Ташкент, 1992; Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада. Автореф. дисс.... канд. филол. наук. – Ташкент, 1979; Каримов С. Язык и стиль поэзии Зульфии. Автореф. дисс.... канд. филол. наук. – Ташкент, 1982; Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Самарқанд: 1992; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати. филол. фан. номзоди дисс.... автореф. – Тошкент, 2000; Умуркулов Б. Лексические особенности современной узбекской поэтической речи. Автореф. дисс.... канд. филол. наук. – Ташкент, 1983; Умуркулов Б. Бадиий адабиётда сўз. –Тошкент: Фан, 1993; Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи. филол. фан. номзоди дисс.... автореф. –Тошкент, 2004; Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари. филол. фан. номзоди дисс.... автореф. –Тошкент, 2000; Якуббекова М. Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. филол. фан. докт. дисс.... автореф. –Тошкент, 2005; Шодиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърияти лингвопоэтикаси. филол. фан. ном. дисс.... автореф. –Тошкент, 2007; Жуманазарова Г.У. “Ширин билан Шакар” достонининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари: филол. фан. ном. дисс.... – Тошкент, 2008; Анданиязова Д. Бадиий матнда онамастик бирликлар лингвопоэтикаси. филол. фан. фалс. докт. (PhD) дисс.... автореф. – Тошкент, 2017.

Correlation of the research with the plans on research activities of the higher educational institution where the dissertation was completed. The research is part of a promising plan of research “Uzbek linguistics: artistic speech analysis, anthropocentric theory, ethnolinguistics, corpus linguistics” studied at the Department of Uzbek Linguistics, Termez State University.

The purpose of the study consists of Murod Muhammad Dost's analysis of language skills and the linguistic and poetic nature of the writer's work.

Research objectives:

Scientific-critical analysis and assessment of the state of the study of the language of the work of art, the individuality of the writer in the use of words in Uzbek linguistics, based on scientific research on the study of the features of the language of the work of art;

To analyze that the textual structure of a writer's works is the basis for the individuality of speech;

Linguopoetic analysis of the writer's use of words on the basis of the use of words, oral means, stable compounds, characteristic of the individual style, which forms the style of the writer;

To reveal the writer's ability to increase artistic effectiveness through the use of paremiological units;

Assess the author's ability to reflect the rich potential of the Uzbek language in the literary text based on the studied and analyzed language tools.

Research object was the works of Murod Muhammad Dost.

Research subject. Linguistic units in the works of Murad Muhammad Dost, analysis of the artistic features of paremiological means are defined.

Research methods. Methods of description, classification, comparison, linguopoetic analysis were used to cover the topic of the dissertation.

Scientific novelty of the research is as follows:

The textual structure of the works of Murod Muhammad Dost, the perfection of his manner of expression turned out to be a means of expressing the ideological and artistic intentions of the writer, the ability to use language;

The writer's choice of words and his ability to use them in speech, the use of oral means, common words and synonyms;

To ensure the effectiveness of idioms in a literary text based on the creation of art and emotions, to express the moral, spiritual and educational views of people using folk proverbs;

Linguistic simplicity of creative work, the presence of a method of international expression and the effective use of proverbs, sayings and wise sayings in common speech.

The practical implications of the study are:

Conclusions from the results of the study an important field of linguistics enriches speech with new theoretical views, forms a different approach in the linguopoetic analysis of literary texts.

The conclusions drawn from the linguopoetic study of the writer's works serve to create new research on the language of the work of art. The means of oral discourse used in the author's works, the artistic analysis of stable compounds, reflect the peculiarities of the writer's works.

Reliability of the research results

In covering the topic, the interpretation of theoretical data was based on reliable scientific sources. The materials were described using scientifically sound methods. The implementation of theoretical ideas and conclusions in practice is determined by the fact that the obtained results are approved by the competent authorities.

Scientific and practical significance of the research results lies in the study of the literary language, based on which the linguistic assessment of the literary text is carried out. The study of theoretical issues related to the use of language tools in literary texts is one of the main problems in linguistics, and this type of research has a certain theoretical significance. In addition, by analyzing the use of language tools by an artist or his work, his differences from other artists are identified and the skill of using language is determined. Based on the research methods used in the work and the linguistic tools studied, it is possible to study the artistic language skills of other creators as well.

Practical significance of the dissertation results are used in higher education in the creation of textbooks, teaching aids, brochures in the teaching of linguistic analysis of literary texts, the culture of teacher speech, text linguistics, and methodological sciences. The research can also be used in the process of analyzing literary texts in secondary schools.

Implementation of research results. Based on the scientific results obtained in the process of linguopoetic analysis of the linguistic features of the works of Murad Muhammad Dost:

The scientific novelty of the author's choice of words and their use in speech, the use of oral means, common words and synonyms were used in "fundamental research project" which was done in the Karakalpak branch of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan Karakalpak Research Institute of Humanities FA-F1-G003 (Reference No. 45/1 of February 26, 2020 of the Karakalpak branch of the Academy of Sciences of Uzbekistan). As a result, scientific conclusions about lexical word formation have been perfected;

Scientific conclusions about the linguistic simplicity of the creative work, the existence of a popular method of expression and the effective use of proverbs,

sayings and wise sayings in the vernacular were used in the fundamental research projects of FA-A1-G007 “Modern Karakalpak proverbs as an object of linguistic research” (performed in 2012-2014) which was done in the FA-A1-G007 “Modern Karakalpak” conducted in 2012-2016 at the Karakalpak Research Institute of Humanities, Karakalpak branch of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.(Reference of the Karakalpak Research Institute of Humanities of the Karakalpak branch of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan No. 44/1 of February 26, 2020). As a result, it has been scientifically enriched that proverbs are a linguistic tool that reveals the spiritual worldview of a nation;

Scientific conclusions on the expression of moral, spiritual and enlightenment views of the people through the use of folk proverbs, ensuring the effectiveness of idioms in the literary text on the basis of the creation of art and emotionality were used in the preparation of the script of the literary-artistic, spiritual-enlightenment TV program of Surkhandarya region and the broadcast of “Adabiyot Gulshani” of “Yangi Asr” radio (reference book of Surkhandarya region TV and Radio Company No. 01-01-134 of June 10, 2020). As a result, shows and broadcasts are enriched both educationally and practically.

Approval of research results. The results of the research were presented and tested in the form of reports at one international and five national scientific conferences.

Publication of research results. 11 scientific works on the topic of the dissertation, including one brochure, 4 articles in scientific publications recommended by the Higher Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan for publication of the main scientific results of doctoral dissertations, including 2 in national and 2 in foreign journals.

Structure and volume of dissertation. The introduction of the dissertation consists of three main chapters, a conclusion, and a list of references and consists of 144 pages.

BASIC CONTENT OF DISSERTATION

The introductory part of the dissertation is based on the relevance and necessity of the topic, describes the goals and objectives of the research, the subject and object. The relevance of the research to the priorities of the development of science and technology of the republic, scientific novelty and practical results are described, the scientific and practical significance of the obtained results is revealed. Information on the implementation of research results in practice, published works and the structure of the dissertation.

The first chapter of the dissertation, entitled “Fundamentals of expression and linguistic possibilities of the literary text” consists of three chapters.

The language of fiction differs sharply from other forms of language in terms of function. Therefore, the language of fiction requires an analysis both linguistically and aesthetically according to its general basis.

During the years of independence, a new period of linguistic study of literary texts in Uzbek linguistics has begun. After the independence of our country, special attention is paid to the study of the history, literature and language of the people. Scientific research focuses on the study of the language of the work of art, the language and style of the writer, the analysis of literary texts based on all aspects of linguistic means. New methods of literary text analysis have emerged.

It is known that the study of the language of fiction in Uzbek linguistics began in the 50s of the XX century. During this period opinions of scholars such as

Sh. Shoabdurahmonov, A. Gulomov, Izzat Sultan, G. Abdurahmonov, X.Doniyorov, Q. Samadov, N. Shukurov on the art of using artistic language were reflected in the articles. Then, in the 80s and 90s, a lot of work was done to study the language skills of many writers, the language and style of a work. The scientific work of such researchers as B.Yuldashev, B. Yoriev, S. Karimov, B. Umurqulov, M. Yuldashev, R.Normuradov, S.Boymirzaeva, G.Muhammadjanova on the study of artwork contributed to the further development of this area of research²⁰. Undoubtedly, this type of research has had a great impact on the development of language research, especially the development of new methods of studying the use of language in literary texts. Language materials used in literary texts began to be studied extensively.

The language and style of the works of many talented writers were also studied. However, linguists have not studied the works of many leading writers of Uzbek literature and a number of works with specific lexical and methodological features linguistically as a special object of study. Academician G. Abdurahmanov as noted, the analysis of the language of a work of art reveals the artistic skills and unique style of a writer or poet. Therefore, in-depth and comprehensive study of the language of each work of art should remain one of the key issues²¹. Because the work of art emerges as an example of human thinking, understanding of the world and depiction. This process cannot be imagined without language. Language materials form the basis of any creative activity. Each artist's style of using language, his skill in using language tools in speech will be unique. This in turn creates individuality. For this reason, G. Abdurahmanov stressed the importance of learning the language of each work of art²². The second chapter of the chapter is

²⁰ Юлдошев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1979; Каримов С. Язык и стиль произведений Зулфий. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1982; Яриев Б. Язык поэзии Максуда Шейхзаде. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1979; Умуркулов Б. Лексические особенности современной узбекской поэтической речи. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1993; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати. филол. фан. номз. дисс... автореф. – Ташкент, 2000; Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари. филол. фан. номз. дисс... автореф. – Ташкент, 2000; Боймирзаева С. Ойбек прозасининг лингвистик тадқиқи. филол. фан. номз. дисс... автореф. – Самарканд, 2004. Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи. филол. фан. номз. дисс... автореф. – Ташкент, 2004;

²¹ Абдурахмонов Ғ. Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида// Ўзбек тилини ўқитиш методикаси масалалари. – Ташкент: 1966. – Б. 7.

²² Абдурахмонов Ғ. Кўрсатилган асар. – Б. 7.

entitled “The Textual Structure and Linguopoetic Possibilities of the Works of Murad Muhammad Dost” and discusses the structure of the text as one of the means of determining the artistic criteria of speech in works of art. Literary texts, like other texts, are based on the expression of content, comprehension of the text, its logical basis, its impact. Accordingly, artistic text requires the creation of different forms of text composition. The text and the style of expression in it vividly reflect the writer’s purpose, the idea he wants to promote, and finally his skill in using language.

A scholar dealing with text problems, M. Yuldashev divides the text into two types according to the size and content. Depending on the size symbol, texts are divided into minimum text (microtext) and maximum text (macrotext)²³.

Textual researcher M. Yuldashev distinguishes seven types of text according to their semantic features, and notes that a work of art formed based on only one of these types is rare. This is because the work of art has a very complex structure, in terms of both content and compound, in which it is possible to meet all the semantic types of the text or some features of a particular species²⁴.

Regardless of the structure of the texts of the work of art, it will be designed to have an aesthetic effect on the reader. Linguistic tools are selected according to the content of the text²⁵. The text statement also comes from the content of the text. For example, narrative-style texts are built on the premise that a person remembers something in the past and expresses an opinion. Such texts are therefore formed based on the appearance of monologue speech.

The composition of a work of art is determined by whether it is able to organize the elements of form in the work in the most optimal way to express the artistic content, the realization of ideological and artistic intention. In the realization of the ideological and artistic intentions of the creator, the method of expression is important, along with the appropriate use of language tools. In terms of the specificity of such a method of artistic expression, M. M. Dost works stand out. In particular, the author's novel "Юлазор" is a unique work in terms of textual structure, in which it is possible to observe different textual structures in terms of form and content.

The first chapter of the work, entitled “Bemor”, is distinguished by its textual nature. This chapter consists mainly of a narrative text, based on the thoughts of the protagonist Nazar Yahshibaev. One of the peculiarities of the text is seen in the structure of the text. The text is formed based on the speech of the author and the protagonist. The author's speech is composed of a comment-type expression, which consists of only two words. He thinks and laughs. After that, the protagonist's thoughts based on his thoughts and feelings, reflecting on previous events, became the basis for the text. This text has the form of a monologue internal speech in terms of structure; the characteristic feature of the text is that it is based on the

²³ Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг Бемор лингвистик таҳлил асослари. – Тошкент: Фан, 2007, – Б. 12.

²⁴ Йўлдошев М. Бадиий матннинг лингвопозитикаси. – Тошкент: Фан, 2008, – Б. 104.

²⁵ Куронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ, 2004, – Б. 254.

thoughts of the protagonist. There is a reason for the hero's thoughts. That is, *bir oycha burun olimu fozil Salimxonning bir xalta gap ko'tarib kelib, "farzandingiz Avvalbek ustaxonasida qayd qilib olib, keyin mendan so'radi. Padarimizni... keyinroq ham o'qisharmikan, deb so'radi"*.

First of all, the phrase *бир халта зан* in this text is noteworthy. In the same bag there is a story about a boy who causes heartache. Therefore *бир халта зан* is a combination of "*кўн зан*", "*опмуқча зан*" and a word that affects the mood of the protagonist. The writer uses this phrase in the text to make the protagonist think about the events that preceded him. The peculiarity of the style and structure of the text in the novel "Lolazor" is also found in the stories of the author "Iste'fo", "Galatepaga qaytish", "Mustafo".

The third chapter deals with the writer's word choice and application skills.

The works of Murad Muhammad Dost are important sources of individuality in word usage. This situation can also be observed in the example of the expression of one situation in the writer's work by several linguistic means. In particular, the writer uses his own individual expressions to express the state of joy and sadness, which means the state of mind of a person. For example, - *Bo'ldi Toshpo'lat aka, bas qilaqoling deya achchiqlangan bo'ldi Zamira, lekin jahli chiqmadi, lablariga qo'ngan kulgini, yashirmoq istab yuzini burdi* ("Galatepaga qaytish"). This text, which describes the state of mind, uses a combination of *labda qo'ngan kulgu* to express the concept of joy. This expression could also be given with a combination of concealing joy. In this case, the idea that the writer wanted to express would lose its artistic color and become a simple expression.

Characteristically, the writer creates many variants of figurative means in the expression of a concept and enhances the artistic coloring of the text. For example, *Lekin nachora, mehmon otangdan ulug', yuzimga xurramlik surtib Yaxshiboyevning istiqboliga shoshildim.* ("Lolazor") used the phrase "*yuzga xurramlik surtmoq*" to express the meaning of "joy". The use of two expressions in these texts, such as a smile on the lips and a smile on the face, to express the same concept, shows how wide the language is in choosing and using words.

